

Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) кўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси II боб. 9-модда.



Хабар

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

49
(1159)
5-DEKABR
2014

www.xabar.uz
info@xabar.uz

1992-йил martdan chiqa boshlagan

ЎZBEKISTON RESPUBLIKASI ALOQA, AXBOROTLASHTIRISH VA TELEKOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI DAVLAT QO'MITASI NASHRI

Конституция —

ҳуқуқларимиз, эркинликларимиз, фаровонликларимиз кафолати

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мустақиллик йилларида мамлакатимиз қўлга киритган улкан ютуқлар ва муваффақиятимизнинг ҳуқуқий асосидир. Бош қонунимиз мамлакатимизни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, қонуни устувор бўлган кучли фуқаролик жамиятини қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли тарзда ҳимоя қилиш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган сананинг қутлуғ йигирма икки йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича касба уюшмаларида кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда.

3-бет



УШБУ СОНДА:

Сўнги янгилик!

Халқаро электралоқа иттифоқи (ITU)нинг хабар тарқатишича, бу йил сайёрамиз бўйлаб интернетдан фойдаланувчилар сони 6,6 фоизга кўпайиб, жами 3 миллиард нафарга етди. Интернетга уланганларнинг учдан икки қисми ривожланган мамлакатларда яшайди. Глобал тармоққа уланмаган 4,3 миллиард кишининг 90 фоизи эса ривожланаётган мамлакатлар фуқаролари саналади.

Ташкилот қолганларни ҳам интернетга улашнинг энг мақбул ва арзон ечими сифатида айна пайтда телеузатишда қўлланаётган айрим радиочастоталарни интернет учун бўшатиб бериш таклифини киритди.



- Вилоят АКМда онлайн дастури **2**
- Куёш энергияси анъанага зидми?! **4**
- Бақтриянинг бош бекати **5**
- СКУД — удобно и выгодно **6**
- Парламентаризм билимдони-2014 **11**
- Иқтидор қирралари **13**

Теледастурлар, спорт, кроссворд

Jumadan
Jumagacha

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2 декабр куни Оқсаройда икки томонлама сиёсий маслаҳатлашувларнинг бешинчи раундида иштирок этиш учун Тошкентга келган АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё ишлари бўйича ёрдамчиси Ниша Десаи Бисвални қабул қилди. Мулоқот чоғида халқаро масалалар, жумладан, минтақамиз ва унинг ташқарисиди ҳам хавфсизликка таҳдид солаётган Афғонистон муаммосига алоҳида эътибор қаратилди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 1 декабр куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши аъзоси, жамоат хавфсизлиги вазири Го Шэнкуни қабул қилди. Оқсаройдаги суҳбат чоғида кўп қиррали ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид масалалар бўйича фикр алмашилди.**

● **Президентимиз Ислам Каримовнинг 2014 йил 22 августдаги фармонида мувофиқ Термиз шаҳри Амир Темур ордени билан мукофотланган эди. 28 ноябр куни Термиз шаҳрида ушбу юксак мукофотни топиришга бағишланган тантанали маросим бўлди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.**

● **Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллиги муносабати билан театр ижодкорларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги фармони эълон қилинди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасида мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Конституцияимизнинг мазмун-моҳияти, шу асосда соҳага оид ишлаб чиқилган қонулар ижросини таъминлаш, божхона ходимларининг касб маҳоратини ошириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.**

● **Бухорода Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишлаб "Конституция — бахт-иқболимиз, тотувлик ва ҳамжиҳатлигимиз гарови" мавзусида тадбир ўтказилди.**

● **Анжуман доирасида Ўзбекистон Бадий академияси аъзолари — фото-рассомларнинг Соғлом бола йилга бағишланган асарлари ҳамда вилоят ёш мусаввирларининг "Ватан — болалар нигоҳида" номли ижодий ишлари кўргазмалари ташкил этилди.**

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг навбатдаги Ҳай'ат йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни қўмита раисининг биринчи ўринбосари М.Маҳмудов олиб борди.

Кун тартибида:

Ижро интизоми, қабул
натижалари ва Ziyonet тармоғи

Ҳай'атда "Қўмитанинг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси ҳамда тизимдаги корхона ва ташкилотларнинг мазкур ҳудуддаги таркибий бўлинмаларида ижро интизоми ҳолатини ўрганиш натижалари тўғрисида"ги масала селектор орқали кўриб чиқилди. Ушбу масала бўйича маъруза қилган қўмита ҳудудий бошқармалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Ф.Арипжанов Ишчи гуруҳ томонидан 2014 йил ноябр ойида Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси ҳамда тизимдаги корхона ва ташкилотларнинг мазкур вилоятдаги таркибий бўлинмаларида ижро интизоми ҳолатлари юзасидан ўрганиш натижаларига батафсил тўхталиди. Хусусан, ўрганишларда қўмитанинг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси, "Ўзбектелеком" АК Бухоро филиалининг Ромитан туман телекоммуникациялар боғламаси, "Матбуот тарқатувчи" АК Бухоро вилояти шўъба корхонаси, ДФХ бўлинмаси, ОКСММ бўлинмаси, Бухоро вилояти электромагнит мослашув хизмати, АТ "Алоқабанк" Бухоро филиалида ижро интизомига риоя этиш ва уни мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар талаб даражасида эканлиги маълум бўлди. Аксинча, "Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Бухоро филиали ва Ромитан туман почта алоқаси тармоғи, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг Бухоро ҳудудий бўлинмаси, вилоят ахборот-кутубхона маркази, "РМАБ" ДУК Бухоро вилояти махсус алоқа бўлинмасида тегишли йўналишлар талабларига риоя этиш фаолиятлари етарли эмас деб, шунингдек, вилоят Радиотелевидение

узатиш марказининг ижро интизоми ва уни мустаҳкамлашга доир ишлари қоникарсиз, деб топилди.

Ziyonet порталига кунлик ўртача ташриф буюрувчилар сони 4000тани, улар томонидан кун давомида қўрилган саҳифалар 4000дан ортиқни ташкил этади.

Қўмита раиси ўринбосари, ТАТУ ректори Ҳ.Муҳитдинов Тошкент ахборот технологиялари университетининг 2014-2015 ўқув йили қабули натижалари, янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш ҳамда университетнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича олиб борилган ишлар тўғрисида ахборот берди. Ахборотда 2014-2015 ўқув йилида ТАТУда саккизта, унинг ҳудудий филиалларида тўртта бакалаврият таълим йўналиши бўйича қабул амалга оширилганлиги таъкидланиб, жами 2544 нафар абитуриент талабалар сафига қабул қилинганлиги маълум қилинди.

2014-2015 ўқув йилида ТАТУда етита, унинг ҳудудий филиалларида битта магистратура мутахассислиги бўйича қабул амалга оширилган. Жорий йилдан бошлаб университетда янги "Электрон ҳуқумат тизимларини бошқариш" ҳамда "Электрон кутубхона ва архивлар" янги магистратура мутахассислиги, вилоятлардаги барча филиалларда "Дастурий инжиниринг" бакалаврият таълим йўналиши очилди.

Ziyonet тармоғига уланиш ва Зундан фойдаланиш ҳолати таҳ-

лили, тармоқ лойиҳаларини ахборот ресурслари билан бойитиш ҳамда ресурслардан самарали фойдаланишни янада кенгайтириш масалалари тўғрисида UZINFOCOM маркази директори ўринбосари Ф.Саидалиев ва "Ўзбектелеком" АК "Бизнесни ривожлантириш маркази" филиали директори У.Аъламовлар ахборот беришди. Улар Ziyonet тармоғи доирасида ташкил этилган ахборот ресурслари, жумладан, Ziyonet таълим портали, uTube.uz таълимий видеоportal, Fikr.uz лойиҳаси, Tanlov.uz сайти тўғрисида маълумот беришди.

Фойдаланувчилар томонидан Ziyonet порталидаги энг талаб катта бўлган ресурс, бу — "Кутубхона" ресурсидир. Ҳозирги кунда мазкур портал кутубхонасидаги электрон ахборот-таълимий ресурсларнинг умумий сони 6500дан ортиқни ташкил этади.

2014 йил давомида порталда 280000 фойдаланувчи томонидан 9,5 млн. саҳифага ташрифлар қайд этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг 2013 йил 10 июлдаги "Ziyonet" таълим ахборот тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан "Ўзбектелеком" АК таълим муассасалари, ёшлар ташкилотлари, ахборот-кутубхона муассасалари, музейлар ва мамлакатнинг бошқа таълим, илмий ва маданий-маърифий муассасаларни Ziyonet тармоғига улаш бўйича оператор этиб белгиланган. Қўмита томонидан тасдиқланган тармоқ жадвалига мувофиқ жами 10266та мактаб, касб-хунар коллежи ва лицейлар мазкур тармоққа уланган.

Ҳай'атда кўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Вилоят АКМда онлайн дастури

Сайидо Насафий номдаги Қашқадарё вилоят АКМда Республика йиғма электрон каталог маркази онлайн дастурининг қўлайликлари ва афзалликларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Дастур сервер-мижоз муносабатларига асосланган бўлиб, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, вилоятлар марказидаги АКМлар, ахборот-ресурс марказлари, йирик кутубхоналар, махсус ва хорик кутубхоналари билан алоқаларни боғлайди, ахборот алмашади.

Тизимнинг интерфейси ўзбек, рус ва инглиз тилларида яратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Шу куни Ахборот-кутубхона



муассасаларини ривожлантириш жамғармаси томонидан вилоят АКМга 131 миллион сўмлик янги технологиялар, қурилмалар, электрон ўқув зали учун компьютер жамланмалари топширилди. Республика АКМ мутахассислари ҳафта да-

вомида мазкур технологик ускуналардан фойдаланиш, ишлатиш учун ўқув машғулотларини олиб бордилар. Республика йиғма электрон каталог маркази мутахассислари эса АКМда каталоглаштириш мутахассисларига ахборот-кутубхона муассасалари ўртасида тезкор ахборот алмашиш ишларини ташкил этиш, йиғма электрон каталогдаги библиографик эзувларни йиғиш ва уларнинг юқори савияда тақдим қилинишини таъминлаш ва таҳрирлаш, техник таъминот юзасидан машғулот ўтишди.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Xabar"нинг Қашқадарё
вилоятидаги мухбири

Конституция —

ҳуқуқларимиз, эркинликларимиз, фаровонликларимиз кафолати

◀ 1-бет

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ва унга аъзо ташкилотлар томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш борасида бир қатор дастур ва режалар қабул қилиниб, мазкур тadbирларда аҳолига Ўзбекистон Конституциясининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, унинг давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида юз бераётган демократик ўзгаришларнинг ҳуқуқий асоси эканлиги, юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш механизми ҳамда Конституция асосида барча яратилаётган қонунлар юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигига йўналтирилганлиги тушунтирилиб борилмоқда.

Яқинда Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши Ўзбекистон касба уюшмалари федерацияси Кенгаши билан ҳамкорликда "Конституция — ҳуқуқ ва эркинликларимиз, фаровонлигимиз кафолати" мавзусида давра суҳбати ташкил этди. Унда Ўзбекистон касба уюшмалари федерацияси Кен-

гаши, касба уюшмалари Республика кенгашлари, Тошкент вилояти ва шаҳар ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари, Тошкент шаҳридаги алоқа корхоналари бошланғич касба уюшмаси қўмиталари раислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди. Tadbirни Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси Асрор Ишанходжаев олиб борди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси кафедра мудири, юридик фанлар доктори, профессор Гулчеҳра Маликова маъруза қилди. У мамлакатимизнинг Бош қомуси инсон ҳуқуқлари бўйича умумэтироф этилган тамойилларга тўла мос келиши ва бу Асосий қонун асосида Ўзбекистон ҳудудида ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ишлари жадвал амалга оширилаётганлиги, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз бўлиб, доимо ҳимоя қилиниши юзасидан фикрлар билдирди.

Tadbirда Конституциядаги баъзи моддалар шарҳига алоҳида эътибор

қаратилиб, аҳамиятли жиҳатлари билан бошқа давлат конституцияларидан мазмун-моҳияти ва халқчиллиги билан ажралиб туриши эътироф этилди.

Шу билан бирга, хорижлик экспертлар томонидан Асосий қонунига билдирилган фикрлар, муло-

фаол иштирок этиши катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Бугун фуқароларнинг асосий бурчлари Конституция ва бошқа қонунларда ўз ифодасини топган бўлиб, уларда фуқаролар Конституцияга риоя қилиш билан бирга, ундаги ҳар қандай қоидалар бузилишининг олдини олиши, бошқа шахсларнинг қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбур эканлиги ўз ифодасини топган.

Маълумки, ҳуқуқ шахсга табиат, жамият, давлат томонидан бериладиган ўз ҳаракатининг тури ва мезъини танлаб олиш имконияти бўлса, бурч жамият ва давлат томонидан белгиланган ва ҳуқуқий нормаларда ўз аксини топган талабларни бажариш заруриятидир. Она Ватанга, халққа хизмат қилиш энг улуг ва шарафли бурч ҳисобланиб, озода ва эркин юртимизда бугун ҳар бир фуқаро ўз бурчини адо этишга тайёр.

Касба уюшмалари томонидан Конституциямизнинг йигирма икки йиллигига бағишлаб ўтказилаётган тadbирларда малакали мутахассислар томонидан Конституциянинг мазмун-моҳияти, халқимиз маънавий ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти ҳамда юртимизда амалга оширилаётган ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар кенг тарғиб этилмоқда.

Давра суҳбатида иштирокчиларнинг жорий йилнинг 21 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари бўладиган сайловлар ҳақидаги саволларига ҳам батафсил жавоблар берилди.

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ

ҳазалар ва эътирофлар ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди. Конституциянинг ўн тўртинчи боби — оила институтига бағишланган 63-64-65-66-моддаларда муҳим қонуний асослар белгилаб қўйилгани бошқа давлатлар конституцияларида такрорланмаслиги билан ажралиб туриши юртимизда инсон қадри биринчи навбатда қадрланишининг яққол исботидир.

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳуқуқий ва қонуний асоси бўлган Бош қомусимизда қайд этилган моддалар мазмун-моҳиятини ёшлар онгига етказиш, қонунлар устувор бўлган юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда касба уюшмалари



Ҳис қилмоқ керак

"Ўзбектелеком" АК Хоразм филиали Қўшқўпир телекоммуникациялар боғламасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллигига бағишлаб "Конституция давлатни дунёга танитади" мавзусида маънавий-маърифий тadbир ўтказилди.

Tadbirда Ўзбекистон Конституцияси ва миллий ғояларимиз, ўзбекона урф-одатларимиз тўғрисида, ўзбек халқини дунё халқларига танитадиган Қомусимизни ҳар бир фуқаро чуқур англаб, ҳис қилиши ва бажариши кераклиги ҳақида сўз борди.

Конституциямизда белгилаб қўйилганидек, "Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик талаблари асосида амалга оширади".

Шундай экан, давлат органлари, халқимиз Ватан равнақи учун хизмат қилаётганини ҳар биримиз чин дилдан ҳис қиламиз.

Адолат ЖУМАНИЕЗОВА,
Қўшқўпир ТБ муҳандиси

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси V боб, 18-модда.

Бизнинг ҳисса

Конституциямизнинг 41-моддасида: "Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан қамолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир" дейилган. Бундан келиб чиқадиган асосий ғоянинг мазмун-моҳияти бугун мен таълим олаётган кутубхонашўнослик, ахборот технологиялари соҳасида ҳам ўзининг тасдиғини топмоқда.

Тошкент ахборот технологиялари университетиде Бош қонунимизни ўрганиш борасида талай ишлар қилиняпти. Талабалар ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларига сиққидилган ёндашган ҳолда таълим олмақдалар. Конституция байрами олдида университетимизда Конституция ва унинг бўлимларини ўрганишга бағишланган конференциялар, тadbирлар ўтказилиши анъанага айланган ва булар ёшларнинг келажақдаги мустақил ҳаёт йулларида асқотиши шубҳасиз.

Биз ёшлар Конституцияда белгилаб берилган қонун-қоидаларга тўлиқ амал қилсак, ўз ҳуқуқларимизни тўлиқ билган ҳолда зиммамиздаги мажбуриятларни ҳам англаб етсак, мамлакатимиз тараққиётига ўз улусимизни қўшган бўламиз.

Йўлчи РЎЗИЕВ,
ТАТУ 4-босқич талабаси

Xalqaro haqot

◆ МИСР суди ушбу мамлакатнинг собиқ президенти Хусни Муборак ҳамда унинг ўғиллари Аъло ва Камолга нисбатан "намоишчиларни ўлдирганлик" ва "Исроилга газ экспорт қилишда коррупцияга йўл қўйганлик" бўйича илгари сурилган айбловларни "техник сабаблар ва юрисдикциянинг етишмовчилиги" сабабли бекор қилди. Муборак президентлиги даврида ички ишлар вазири бўлган Хабиб ал-Адлий ҳамда хавфсизлик хизматининг олти нафар кўмондони ўша 2011 йилда бўлиб ўтган оммавий тартибсизликлар қатнашчиларини ўлдирганликда айбдор деб топилди.

КИРГИЗИСТОН президенти Алмазбек Атамбаев Саудия Арабистони, БАА ва Қатар давлатлари бўйлаб 8 декабрга қадар давом этадиган илк расмий турнеси доирасида Ар-Риёд шаҳрида Саудия Арабистони валиахд шахзодаси Салмон бин Абдулазиз ас-Сауд билан учрашди. Учрашувда сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик истикболлари муҳокама этилди. Музокаралар якунида Алмазбек Атамбаев ва Салмон бин Абдулазиз ас-Сауд икки ёқлама солиққа тортишнинг олдини олиш ҳамда мамлакатлар ўртасида ҳаво қатнови ҳақидаги келишувларга имзо чекишди.

УКРАИНА президенти Пётр Порошенко уч нафар ажнабийга Украина фуқаролигини бериш ҳақидаги буйруқни имзолади.

Эндиликда, америкалик Натали Яреско Молия вазирлигида, литвалик Айварас Абрамавичус Иқтисод вазирлигида, грузин Александр Квайташвили эса Соғлиқни сақлаш вазирлигида фаолият кўрсатиши кутилмоқда. Аввалроқ Грузиянинг собиқ бош прокурори Зураб Адеишвили Украина ИИВ бошлиғи ёрдамчиси этиб тайинлаган эди.

ИНДОНЕЗИЯда Super Puma ҳарбий вертолётининг ҳалокатга учраши натижасида олти киши вафот этди, яна саккиз нафари турли тан жароҳатлари билан касалхоналарга етказилди.

Айни дамда ҳалокат сабаблари ўрганилмоқда.

ФРАНЦИЯ парламенти аъзолари Фаластин давлатини тан олиш ҳақидаги рамзий резолюцияни қўллаб-қувватлади — 339 депутат уни ёқлаб овоз берди. "Биз фақат виртуал давлатнинг тан олинишига олиб келувчи рамзий резолюцияни ёқлашни истамаймиз, бироқ биз Фаластин давлатини ҳақиқатан тан олиш тарафдоримиз", — дея овоз бериш якунларини изоҳлади Франция ҳукуматининг Европа ишлари бўйича давлат котиби Арлем Дезир.

Авалроқ бундай овоз беришлар Испания, Буюк Британия ва Швейцарияда ҳам бўлиб ўтган эди.

ҚОЗОҒИСТОНда эронлик муҳандислар томонидан энг катта меҳмонхона қурилмоқда.

Лойиҳанинг эронлик бош меъмори ва мудири Махром Қандийнинг айтишича, Олмаотада қад ростлайдиган ушбу беш юлдузли меҳмонхона қурилишида Германия, Швейцария, Туркия, Украина, Литва ва қозоғистонлик муҳандислар билан ҳамкорлик қилинмоқда.

АҚШ осмонида икки ҳарбий транспорт самолёти тўқнашиб кетди. Воқеа Шимоллий Каролина штатида содир бўлган. Ҳар икки самолёт ҳам ерга муваффақиятли қўнган, жабр кўрганлар йўқ.

ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ АНЪАНАГА ЗИДМИ ? !

Хусусий секторда қуёш батареяларидан фойдаланишнинг ўсиши яқин ўн йилларда энергия тармоқларидаги мувозанатни бузиб юбориши ва қанчалик мантиққа зид бўлмасин, электр энергияси таннархининг ошишига олиб келиши мумкин экан.

Lazard консалтинг компанияси статистик маълумотларига таянадиган бўлсак, сўнгги беш йилда "яшил" энергия тикланмайдиган қазилма ресурслардан олинadиган электр энергиясига бир мунча рақобатлаша оладиган даражада арзонлашди. Масалан, АҚШда қуёш энергияси бир киловатт-соатининг нархи 5,6 центдан 7,2 центгача ташкил этса, табиий газда ишловчи иссиқлик электр станциялари

ишлаб чиқараётган электр қуввати учун тариф қиймати — 6,1-6,6 цент.

Профессор Билл Грейс (Фарбий Австралия университети)нинг таъкидлашича, қуёш фотоэлектрик қурилмалари нархининг пасайиб боришига тескари равишда, уларнинг қўлланилиш доираси кенгайиб бораверади ва хусусий сектор томонидан қуёш энергетикаси тизимига киритилаётган сармоялар ўнлаб марта ошади. Оқибатда кундузги пайт ортиқча қуёш энергияси экспорти миқдори шунчалик кўпаядики, агар вақтида бепул ва экологик тоза энергия оқими назоратга олинмаса, бу бутун энергия тизимининг фаолиятини издан чиқариб юбориши эҳтимоли бор.

"Табиийки, нисбатан серхарж ва қimmat анъанавий электр энергиясига талаб камайиб кетиши энергетика компанияларини инкироз ёқасига олиб келиши мумкин ва бундан, биринчи навбатда, истезмолчи жабр кўриши тайин. Энергия саноати ягона таъминотчи сифатида ўтмишда қолди, энди собиқ мижозлари унинг рақобатчиларига айланмоқда. Келгуси энергия сиёсати, фақат анъанавий ишлаб чиқарувчиларни қўлламасдан, мана шу омиллар билан ҳам ҳисоблашиши шарт. Атроф-муҳитнинг мусаффолиги ва энергия умумий қийматининг пасайиши жамиятимиз учун фақат ва фақат фойда келтиради", — дейди Грейс.

LTE-ТАРМОҚ РИВОЖЛАНМОҚДА



Digitimes Research таҳлилларига қўра, жорий йил охирига бориб, LTE (4G) мобил тармоғи абонентлари сони 445 миллион нафарга етиши мумкин. 2016 йил охиригача мазкур тармоққа яна бир миллиард абонент улашиши кутиляпти.

Айни пайтда Хитойда хонадонлар ва ишхоналарнинг кўплай улашиши, қолаверса, China Mobile оператори сай-ҳаракатлари ўлароқ, 4G тармоқ ривожланишнинг юқори босқичига чиққан бўлиб, ўсиш суръати 2-3 йил шу тахлит кечади. Жанубий

Кореяда янги юқори тезликдаги тармоқнинг татбиқи этилиши янада яхшироқ — мобил телефондан фойдаланувчиларнинг 58,8 фоизи ҳозир LTE тармоғига уланган.



"ИМТИЁЗЛИ ДЎСТЛАР"

Швециянинг нуфузли Nordic Light Hotel меҳмонхонаси ижтимоий тармоқларда етарлича "дўстлар" ортирган мижозлар учун имтиёзли тўлов жорий этди. Бу махсус дастур 18 ёшга тўлган Facebook ёки Instagram фойдаланувчилари учун амал қилади.

Имтиёзга эга бўлиш учун мижоз Nordic Light Hotelдан хона банд этиши ва бу ҳақда ижтимоий тармоқдаги ўз саҳифасида меҳмонхона сайтини ҳавола қилган ҳолда маълум қилиши керак. Меҳмонхонага келиб-кетишида ҳам шу тахлит хабар қолдиради.

Имтиёзлар мижознинг ижтимоий тармоқдаги танишлари сонига қараб белгиланади: 5-10 мингта бўлса — 5 фоиз, 10-15 мингта бўлса — 10 фоиз. Юз мингта обуначига эга мижоз меҳмонхонада мутлақо бепул яшаши мумкин.

3D-ЛИНЗА

Принстон университети олимлари 5 қатламли контакт линзалари тайёрлай оладиган 3D-принтер ишлаб чиқаришди. Бу принтер шаффоф полимер, унинг ичидан ўтказилган кумуш нанозарралари, нанолучамли квант нуқталаридан иборат ёруғлик диоди, органик полимерлардан ташкил топган микросхемадан иборат.

Мазкур усулда тайёрланган контакт линзалари аввало авиация соҳаси учун мўлжалланган бўлиб, барча керакли маълумотлар тўғридан-тўғри учувчининг кўзига узатилади.

С.ТЕМИРОВ тайёрлади



Windows 10

ТАҚДИМОТИ БЕЛГИЛАНДИ

Microsoft компанияси 2015 йил январ ойида янги Windows 10 амалий тизими имкониятларига бағишланган махсус тақдимотини ўтказди.

Тақдимотда амалий тизимнинг кўплай хусусиятлари, жумладан, Continuum сенсор интерфейси ҳақида сўз бориши, шунингдек, компаниянинг Xbox One ўйин консоли ва янги ишлаб чиқарилган планшет ва смартфонлари тўғрисида маълумот берилиши кутиляпти.



**Ислом
КАРИМОВ:**

Термиз шахрининг мана шундай юксак давлат мукофотига сазовор бўлишида сиз азизларнинг, шу гўзал юртга фарзандлик меҳри ва садоқатини бериб яшаётган, ўз тақдири ва келажagini ўз қўли, фидокорона меҳнати билан яратаётган эзгу ниятли, олижаноб барча инсонларнинг ҳиссаси ва хизмати бекиёсдир, десам, аини ҳақиқатни айтган бўламан.



Бақтриянинг бош бекати

Термиз – мустақил Ватанимиздаги қадимий манзилгоҳлардан бири. Бу шаҳар мустақиллигимизнинг муבורак Ингирма уч йиллик байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов фармонида мувофиқ Амир Темур ордени билан тақдирланди. Фармонда таъкидланганидек, шаҳар аҳлининг мустақиллик давридаги ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳаларда эришган муваффақиятлари, тинчликни мустақамлаш, миллатларaro дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси, халқимизнинг тарихий ва маънавий меросини асраб-авайлаш, ёшларимизни адоқ аждодларимизга хос эзгу-қадриятлар, мардлик ва жасорат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги катта хизматлари шундай юксак мукофотга лойиқ топилди.

Дарҳақиқат, қадимий Бақтриянинг бош бекати сифатида тарих зарварига ёзилган Термизнинг ўтмиши ва бугун мардлик, жасурлик, Ватанга садоқат бобида ўрнатилган олимга арзийди.

Термиз тарихи қирғоғи кўринмас уммонга ўшайди. Зотан, икки минг беш юз йиллик давр воқеаларига бирма-бир назар ташлаш учун кўп вақт керак. Бироқ, кўҳна шаҳар обидалари бўйлаб сайр қилсангиз, ортда қолган кунлар "кўнгиروي" худди садо бериб тургандай туюлади.

Амударё бўйидаги Термиз қалъаси қолдиқлари асрлар оша "инграб" ётибди. Уни "тинглаганингиз" сари, 1220 йил кузидаги аянчли воқеа беихтиёр кўз ўнгингизда гавдалангандай бўлади. Уша 10 кунлик қамал юртпарварларнинг мардлигини яққол кўрсатди. Улар Жайхун суви тўшига урилиб оқаётган қалъанинг мустақамлигига ишониб, Чингизхон лашкарларига бас келмоқчи бўлишди. Довжорлар журъати аввалига душманни шошириб қўйди. Ҳамиша ошиғи олчи бўлиб келган Чингизхон эса жаҳд отига қаҳрланиб минди. Сарбозлари нобуд бўлаётганига асло парво қилмади. Ниҳоят, у шаҳарликларнинг мардона қаршилигини енгиб, қалъани аёвсиз жангнинг ўнинчи кунига эгаллаб олди.

Кутилмаган йўқотишлар кўп бўлганлиги лашкарбошига қаттиқ алам қилди. Чингизхон шаҳарликларни қириб ташлаш ва Термиз қалъасини таг-туғи билан вайрон қилишга амр берди. Буёғи Балхга, буёғи Чағониёнга кўришиб турадиган метиндай мустақам истеҳкомли қалъа машъум буйруқ сабаб ер билан яқсон қилинди. Аждод-

ларимиз умр кечириб турган худуд ҳувиллаб қолди. Бироқ, нияти ёмон душман юзи қора бўлиб қолиш баробарида шаҳар "Маданият ур рижол" номи билан "яшаб" келмоқда.

Мўғуллар истилосидан сўнг, Термиз тарихдан ўчмади. Кўҳна шаҳар илгари Ал Ҳаким ат-Термизий мақбарасига



анча яқин жойда ўрнашган бўлса, кейинчалик чамаси бир чақирим нарида қад ростлади. Шу тарзда Термиз Чингизойлар давлати таркибига кирди.

Термиз шахрига Давлатимиз раҳбари фармони билан Амир Темур ордени берилиши бежиз эмас. Соҳибқирон бобомиз ва теурийзодалар бу қутлуг манзилга бир неча бор қалам ранжида қилишган ҳамда қатор хайрли ишларга қўл уришган. Дар-

28 ноябр куни
Термиз шахрида бўлиб
ўтган тантанали
маросимда
Президентимиз Ислом
Каримов шаҳарга
Амир Темур орденини
топширди.

воқе, XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрнинг бошида Мовароуннахрнинг Самарқанд, Бухоро, Насаф ва Шаҳрисабз шаҳарлари каби Термиз ҳам Амир Темур давлатининг муҳим жойларидан бирига айланган.

Соҳибқирон ҳазратларининг Термиз саййидларига ҳурмат, эҳтироми

рида ҳам бўлиб, олис юртга сафар олдидан ният қилади. Соҳибқирон Ҳиндистонга бориб қайтаётганда Термиз саййидлари хонадонига меҳмон бўлади. Абул Маолийнинг ўғли Худовандзода Ало ал мулк II унинг хурматини ўрнига қўяди. Амир Темур ордан беш йил ўтгандан сўнг Фарб юришидан қайтаётганда ҳам саййидлар хонадонига ташриф буюради.

Бундай самийий учрашув ва суҳбатлар билан боғлиқ анъана Термиз саййидлари ҳамда Соҳибқирон авлодлари томонидан давом эттирилди. Амир Бузрук Термизий номи билан машҳур бўлган Ало ал мулк III Теурийлар билан қариндошлик алоқаларини мустақамлади. Ало ал мулк Шдан кейин Термизга ҳоким бўлган Саид Хусайн Акбар ҳам Амир Темур ворисларига яқин муносабатда бўлишган. Ўз навбатида, теурийзодалар Шарқнинг буюк алломаларидан бири Ал Ҳаким ат-Термизий мақбарасининг бизгача етиб келишига катта ҳисса қўшишди.

Мустақиллик йилларида Термиз қиёфаси гўдан ўзгарди. "Алпомниш" достонининг минг йиллиги, "Термиз шахрининг 2800 йиллиги" ҳамда "Баркамол авлод 2011" спорт ўйинлари мусобақаси каби оламшумул тадбирлар сабаб амалга оширилган катта бунёдкорлик ишлари самараси қадам сайин кўзга ташланиб турибди. Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Термиз археология музейини томоша қилаётганлар қаторида чет эллик сайёҳлар сафи йил сайин кенгайиб борапти. Термиз Халқаро аэропорти ва Термиз темир йўл бекати йўловчиларга жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатмоқда.

Ҳозир Термизда фаолит кўрсатаётган меҳмонхоналар сона 15тага етди. Амалдаги Соғлом бола йилида шаҳарнинг Алишер Навоий ва Султон Саодат кўчалари бўйларида 30дан ортиқ замонавий, кўп қаватли ўй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бундай иншоотларда турли хизмат кўрсатиш шохобчалари иш бошлади. Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма ҳамда Кўнгиноқ театллари, Термиз ҳайвонот боғи шаҳарликлар ва меҳмонларга хизмат қилмоқда.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари элнинг ўзоғини яқин, юкини енгил қилмоқда. "ЎЗИ-Термиз" филиалига қарашли алоқа шохобчалари, интернет кафелари, "Ягона ойна" савдо офисидан миждозлар унумли фойдаланишмоқда. Электрон рақамли телефон кўплаб хонадонларда ишлаб турибди. Уйлардаги компютерлар ва жамоалардаги шундай алоқа воситалари интернетга уланган.

...Термизнинг қуёшли кунларигина эмас, балки қоронғу туни ҳам ёруғ ва ойдан, Ат-Термизий, Султон Саодат, Алишер Навоий шохқўчаларига ўрнатилган маржонсифат электр чироқлари шаҳарга файз бериб турибди. Ҳар кун Термиз кўчаларида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган минглаб енгил ва юк машиналари қатнамоқда.

Нортоғжи ЗИЁЕВ,
"Xabar"нинг Сурхондарё
вилоятидаги мухбири

Что может индивидуальный предприниматель в ИКТ?

Постановлением Кабинета Министров от 25 ноября 2014 года № 319 внесены изменения в Перечень видов деятельности, которыми могут заниматься индивидуальные предприниматели без образования юридического лица.

Согласно внесенным изменениям, индивидуальные предприниматели не могут искать потенциальных абонентов и заключать с ними договоры при оказании посреднических услуг операторам, провайдерам телекоммуникаций, сообщает Norma.uz.

При этом за ними сохранилось справочно-информационное обслуживание абонентов или поставщиков услуг и прием платежей.

Документом поручено заинтересованным министерствам и ведомствам в месячный срок привести ведомственные нормативно-правовые акты в соответствие с новым постановлением.

UMS начинает коммерческую деятельность на всей территории Узбекистана

ООО Universal Mobile Systems (UMS), совместное предприятие с участием ОАО "МТС" и Республики Узбекистан, с 1 декабря 2014 года открывает в коммерческую эксплуатацию сеть мобильной связи на всей территории Узбекистана.

Информацию об условиях подключения и обслуживания можно узнать на сайте оператора www.ums.uz, или позвонив в контактный центр UMS по телефону 0890.



СКУД — удобно и выгодно

В Центре UZINFOCOM разработана и внедрена система контроля и управления доступом (СКУД), позволяющая отслеживать посещаемость сотрудников. Система полезна для любых организаций и учебных заведений.

Руководитель организации, работники отдела кадров (ректорат и деканаты в ВУЗах), а также сами сотрудники могут проследить, кто присутствует в данный момент, а кто отсутствует. Отсутствующие по уважительным причинам (командировка, отпуск) отмечены отдельно.

Такая возможность дает руководителю оперативную информацию для принятия решения, отделу кадров и бухгалтерии облегчает сбор данных о посещаемости, у сотрудников (или учащихся) повышает дисциплину и ответственность за использование рабочего (учебного) времени. Прозрачность и открытость сведений о посещаемости (например, установка экранов с данными о посещаемости в фойе организации) также способствует поднятию дисциплины и ответственности у сотрудников (или студентов).

Регистрация прихода-ухода с идентификацией сотрудника производится путем поднесением к считывателям персональных идентификационных карт с RFID-меткой. Интеграция с сервисом идентификации ID.UZ позволяет достичь экономии при установке СКУД в разных государственных организациях, а также предоставля-

ет возможность дальнейшей интеграции с другими системами. Облегчается учет и контроль посетителей организации, так как при посещении организации владельцем ID-карты не надо будет переписывать его паспортные данные, они "подтягиваются" автоматически из профиля владельца карточки в базе данных ID.UZ.

Также в СКУД предусмотрена возможность ограничения посещения охраняемых зон (комнат, зданий). Администратор СКУД в организации может назначить категории лиц, имеющих доступ в те или иные помещения. Кроме того, администратор может добавлять или удалять сотрудников, вносить данные об отпусках, командировках или об индивидуальном расписании.

СКУД позволяет создавать несколько ролей пользователей: администрация, сотрудник, преподаватель, студент. Каждая роль имеет свои функциональные возможности в системе.

Разработка успешно внедрена в Государственном комитете связи, информатизации и телекоммуникационных технологий и в Центре развития и внедрения компьютерных и информационных технологий UZINFOCOM.

Зумрад ШОЖАЛИЛОВА

ВЫПОЛНЕНИЕ ТРЕБОВАНИЙ

нормативно-правовых актов внутреннего контроля по противодействию легализации доходов, полученных от преступной деятельности и финансированию терроризма в сфере почтовой связи на контроле

На сегодняшний день по всему миру ведется борьба по противодействию легализации преступных доходов и финансированию терроризма.

В международном масштабе разработаны международные стандарты противодействия легализации преступных доходов и финансированию терроризма. Эти стандарты разрабатываются Группой разработки финансовых мер борьбы с отмыванием денег ФАТФ (FATF), которая создана в 1989 г. по решению стран "Большой семерки". В состав ФАТФ входят 36 стран. Основным инструментом ФАТФ являются Рекомендации ФАТФ — Международные стандарты борьбы с отмыванием денег, финансированием терроризма и распространением оружия массового уничтожения.

Для распространения международных стандартов в страны, не входящих в ФАТФ, созданы 8 региональных групп по ее типу. Одной из них является Евразийская группа по противодействию легализации преступных доходов и финансированию терроризма (ЕАГ), которая была образована 6 октября 2004 года. Основной целью ЕАГ является обеспечение эффективного взаимодействия и сотрудничества на региональном уровне и интеграции государственных ЕАГ в международную систему противодействия легализации преступных доходов и финансированию терроризма в соответствии с Рекомендациями ФАТФ и стандартами противодействия отмыванию денег и финансированию терроризма других международных организаций, участниками которых являются государства-члены ЕАГ.

2005 году Республика Узбекистан вошла в состав ЕАГ, в качестве государства-члена.

В Республике Узбекистан тоже ведется активная работа по борьбе противодействию легализации преступных доходов и финансированию терроризма. Приняты соответствующие нормативно-правовые акты, в том числе в 2004 г. был принят Закон о противодействии легализации преступных доходов и финансированию терроризма, который вступил в силу в 2006 г. В апреле 2009 года принята новая редакция Закона "О противодействии легализации доходов, полученных от преступной деятельности и финансированию терроризма".

На сегодняшний день в организациях, осуществляющих операции с денежными средствами, в число которых относятся объекты почты АО "Узбекистон почтаси" или иными имуществами, риск на отмывания денег противодействию легализации доходов, полученных от преступной деятельности, и финансированию со дня в день увеличивается.

В целях противодействия легализации доходов, полученных от преступной деятельности, и финан-

сированию терроризма в сфере почтовой связи приняты несколько нормативно-правовые акты, одно из них "Правила внутреннего контроля по противодействию легализации доходов, полученных от преступной деятельности, и финансированию терроризма для операторов, провайдеров почтовой связи", зарегистрированное в Министерстве Юстиции 3 ноября 2009 года за №2032, утверждённый постановлением Узбекского агентства связи и информатизации от 13 октября 2009 года за №10-8/4270 и Департамента по борьбе с налоговыми, валютными преступлениями и легализацией преступных доходов за №33-09.

Государственный надзор за внедрением операторами, провайдерами почтовой связи системы внутреннего контроля по противодействию легализации доходов, полученных от преступной деятельности, и финансированию терроризма возложена на Государственную инспекцию по надзору в сфере связи, информатизации и телекоммуникационных технологий.


Для выполнения данной задачи Государственная инспекция по надзору в сфере связи, информатизации и телекоммуникационных технологий в установленном порядке ежеквартально осуществляет мониторинг за соблюдением операторами, провайдерами почтовой связи установленных законодательством правил внутреннего контроля по противодействию легализации доходов, полученных от преступной деятельности, и финансированию терроризма, согласно вопросника утвержденного Государственным комитетом связи, информатизации и телекоммуникационных технологий Республики Узбекистана. А также проводит проверки, согласно плана графика, утверждаемый Межведомственным советом по координации деятельности контролирующих органов.

Обеспечение устранения нарушений выявленных в результате проверок и мониторинга взят на контроль Государственной инспекцией по надзору в сфере связи, информатизации и телекоммуникационных технологий. Осуществляемый контроль Государственной инспекцией по надзору в сфере связи, информатизации и телекоммуникационных технологий служит предотвращению использования объектов почтовой связи в целях легализации преступных доходов и финансированию терроризма.

Р.ГАНИЕВ,
ведущий инженер отдела
почтовой связи и распространения
периодической печати ГИНССИТ

Хабар +tv

ДУШАНБА — 8 ДЕКАБР



Узбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллигига бағишланган байрам дастури.
 5.55 "Ассалом, Узбекистон!"
 6.00 "Сайлов - 2014". Теледебат.
 7.50 "Тумарис". М/ф.
 8.00 "Тадқиқотимиз".
 8.40 "Ватанпарвар".
 9.20 "Ўзбек моделеи".
 9.40 "Узбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллигига бағишланган байрам дастури.
 12.00 "Ассалом, Узбекистон!"
 13.00 "Мафруннингиз". Б/ф.
 14.20 "Эне студияси: Эшиқда мустақиллик йулида".
 14.40 "Ўзбек моделеи".
 15.00 "Чимилдик", Б/ф.
 15.15 "Олдин қраёт". Ток-шоу.
 17.00 "Ахборот".
 17.10 "Эркин фикр".
 17.20 "Агроолам".
 17.30 "Ўзбек опера колдузалари".
 17.55 "Юрган - дарё".
 18.15 "Иқлим".
 18.20 "Ўзбек моделеи".
 18.40 "Доктор Хаус". Т/с.
 19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
 19.30 "Ахборот рус/у/".
 20.05 Миллати сериал: "Опа - синиқлар". 2-Фасл.
 21.00 "Ахборот".
 21.40 "Муносабат".
 22.20 "Кўнгли қўшиқ истайди".
 22.30 - 00.00 "Ватан". Б/ф.
 00.00 "Агроолам".
 00.20 Миллати сериал: "Опа - синиқлар".
 1.00 "Ахборот" рус/у/.
 1.30 "Ўзбек моделеи".
 1.50 "Теле Театр": "Келинлар қўшони". 1-қисм.
 2.30 "Юрган - дарё".
 2.50 "Шарқ тароналари".
 3.00 "Ассалом, Узбекистон!"
 4.00 "Ахборот".
 4.40 "Ватанпарвар".
 5.20 "Богаро".
 5.35 - 5.55 "Ўзбек опера колдузалари".



Узбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллигига бағишланган байрам дастури.
 6.10 Тараннум.
 7.00 "Мультианорама".
 7.30 "Конституция дарси".
 7.40 "Тилик навоилари".
 8.00 "Учрашу". Б/ф.
 9.00 "Узбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллигига бағишланган байрам дастури".
 9.10 "Оҳанглар сеҳри".
 9.30 "Парвона". Спектакль.
 11.30 "Навой хазинаси".
 11.50 "Конституция дарси".
 12.00 "Маҳаллада дув-дус гап". Б/ф.
 13.30 "Навой хазинаси".
 13.50 "Боллар иқдоми".
 14.00 "Мультианорама".
 15.40 "Келажак пойдевори".
 15.50 "Сангит". Б/ф.
 16.00 "Давр".
 20.20 "Самовий ишқ". Т/с.
 20.30 "Ёшиқ навоилари".
 20.40 "Узбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллигига бағишланган байрам дастури".
 21.00 "Борго Ларичи сирлари". Т/с.
 22.00 "Давр".
 22.30 "Виз қимми".
 22.50 "Оқсуқ излавар". Т/с. 2-фасл.
 00.30 "Икмон-шоу".
 1.20 "Муҳажирлик дунеи".
 1.40 "Тараннум".
 3.00 "Табрикор дарви".
 3.30 "Суя ешигла".
 3.50 "Қизил Исаура". Т/с.
 4.30 "Кут келажак".
 4.40 "Доктор Кунин". Т/с.
 5.30-6.00 "Давр".




6.00 "Хайри тонг".
 6.05 Кўрсатувлар тартиби.
 6.10 "Махорат мактаби".
 6.30 Тонгги гимнастика.
 6.40 "Матонг".
 7.00 "SPORT-EXPRESS".
 8.00 ХАБАРЛАР.
 8.30 АНОНС.
 8.35 ИНТЕРФУТБОЛ.
 10.20 "Sport rekord".
 10.35 Жаҳон куболарида: Трамплинлар сакраши.
 11.25 АНОНС.
 11.30 "Узбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллигига бағишланган байрам дастури".
 11.35 Жаҳон куболарида: Трамплинлар сакраши.
 11.55 "Ўқиткич".
 12.00 "SPORT-EXPRESS".
 13.00 Чағни пойгаши. Жаҳон кубог.
 14.00 ХАБАРЛАР.
 14.15 "Sport ensiklopediya".

14.20 "Техно - спорт".
 14.30 "Узбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллигига бағишланган байрам дастури".
 15.10 Длодо. Гран при турнири.
 16.20 Трамплинлар сакраши. Жаҳон кубог.
 17.35 "Узбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллигига бағишланган байрам дастури".
 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
 18.00 "Спорт сайераси".
 18.20 "Техно - спорт".
 18.30 ХАБАРЛАР.
 18.50 АНОНС.
 18.55 "Узбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллигига бағишланган байрам дастури".
 19.20 Боев. "Узбекистон чемпинати".
 20.20 АНОНС.
 20.25 Длодо. Катта дубуза турнири.
 21.25 "SPORT - MARKET".
 21.30 ХАБАРЛАР.
 21.50 АНОНС.
 21.55 ИНТЕРФУТБОЛ.
 22.00 АНОНС.
 23.40 "Жозиба".
 00.00 АНОНС.
 00.05 Профессиял бокс.
 00.55 "Ахборот".
 1.00 ХАБАРЛАР.
 1.20 АНОНС.
 1.25 Баскетбол.
 2.35 АНОНС.
 2.40 Жаҳон куболарида: Чағни иккувратиси. Тог чағниси.
 4.30 АНОНС.
 4.35 - 5.50 Трамплинлар сакраши. Жаҳон кубог.

04.00 Телеканал "Доброе утро"
 07.00, 08.00, 11.00, 14.00, 02.00
 Новости
 07.05 "Пале чудес"
 08.10 Контрольная закупка
 08.35 "Жизь здоровья"
 09.35 Модный приговор
 10.30 Фанзена
 11.15 "Сегодня вечером"
 13.05 Сыак
 13.40, 14.20 "Время покажет"
 15.15 "Мужское/Женское"
 16.10 "Наше дело по иссони"
 17.00 Вечерние новости
 18.00 "Далда покенимиз"
 19.00 "Пусть говорят"
 20.00 "Вести"
 20.20 Т/с "Уходящая натура"
 22.00 "Вечерний Ургант"
 22.55 "Познер"
 23.50 Ночные новости
 00.05 Т/с "Вегас"

РОССИЯ 1


05.00 "Утро России".
 09.00, 03.35 "Диалог со смертью". Переговори.
 09.25 "О самом главном". Ток-шоу.
 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести.
 11.35, 14.30, 17.10, 19.35 Местное время. Вести-Москва.
 11.55 Т/с "Тайна следствия".
 12.55 "Особый случай".
 14.00 Вести. Дежурная часть.
 15.00 Т/с "Сердце злы".
 16.00 Т/с "Пока станица спит".
 17.30 Т/с "По горчим слезам".
 18.30 "Прямой эфир".
 20.00 "Спокойной ночи, малыши!".
 21.00 Т/с "Красивая жизнь".
 23.50 Д/ф "Национальная сокровищница России".
 01.00 Т/с "Улицы разбитых фонарей".
 04.25 "Комната смеха".




05.00 НТВ утром
 07.25 Прокорская проверка
 08.35, 09.30 Т/с "Возвращение Мухомта".
 09.00, 12.00, 15.00, 18.00 Сегодня
 10.55, 12.30 Суо присажных
 13.45 Обзор. Чрезвычайное происшествие.
 14.20, 15.30 Т/с "Лесник".
 17.00 Голоси М. Как язваем
 17.20, 22.55 Т/с "Показе чести"
 22.00 Анатолия дини
 23.50 Т/с "Ковбой".
 01.45 Дикий мир
 02.05 Т/с "Петля".
 04.00 Т/с "Супруги"

РОССИЯ K


07.00 Телеканал "Европейское"
 10.00, 15.00, 19.00, 00.10 Новости культуры
 10.20, 00.45 Спецпроект "ВГИКу - 95"
 11.15, 00.30 ВГИКу - 95!
 12.10 Д/ф "Сияющий камень"
 12.55 Линия жизни. Игорь Золотовицкий
 13.50 Х/ф "Открытая книга"
 15.10 Асадема.
 16.40 Д/ф "Парк князя Южера в Мухеауер-Парк".
 16.55 Больше, чем любовь.
 17.35 Николай Лунганский
 18.30 "Голубая кровь".
 19.15 Главная роль.
 19.30 "Сати. Несукая классика...".
 20.10 "Правила жизни"
 20.40 "Спокойной ночи, малыши!"
 21.00 "Эрмитаж - 250"
 21.20 Д/ф "Нет объяснения у чуда"
 22.10 Спектакль "Каллифорнияская сюита"
 01.40 Д/ф "Этюд о Гоголе"
 02.10 Сольный концерт Николая Лунганского



04.00 Мультисерал
 06.00 12.00 21.50 23.30 01.15 "6 кадров"
 06.30 "Вороница"
 07.00 "Вороница"
 07.30 "Вороница"
 07.30 "Молодежка" Молодежная драма
 08.30 Шоу "Уральских пельменей". Год в сапогах
 10.00 Шоу "Уральских пельменей". Красота спасет мир!
 11.30 "Вороница"
 12.10 "Все будет хорошо!"
 14.00 "Восьмидесятые" Лирическая комедия
 15.00 "Вороница"
 16.00 "Последний из Матигян"
 20.00 "All inclusive или Все включено"
 22.30 "Книга в деталях с Федором Бондарчуком"
 00.15 "Животный смех"



06.00, 05.30 Мультифилм
 09.30, 10.30, 11.30, 12.30 Д/ф "Загадки истории"
 13.30 Д/ф "Городские легенды"
 14.00, 14.30 Д/ф "Охотники за привидениями"
 15.00 "Мистические истории"
 16.00, 16.30, 17.00 Д/ф "Галака"
 17.30 Т/с "Селена"
 18.00, 02.15 Х-Версии. Другие новости
 18.30 Т/с "Патя стража"
 19.30, 20.20 Т/с "Синдром дракона"
 21.30, 22.20 Т/с "Элементарно"
 23.15 Х/ф "Последний самурай"
 02.45 Х/ф "Телевская резина белозелен"



ЎЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатқувлар дастури.
6.00 "Ассолом, Ўзбекистон"
7.00 "Биркадёр денгиз". Х/ф.
7.30 Миллий сериал: "Аммажоним - аммажон".
8.00 "Ахборот".
8.40 "Хитого табиати". Х/ф.
9.30 "Эркин фикр".
9.40 "Агроолам".
10.00 "Фрудулов". Т/с.
10.45 "Қишлоқ амакининг ҳўқоялари". М/с.
11.00 "Ахборот".
11.10 Миллий сериал: "Ота-синилар".
11.55 "Иқлим".
12.00 "Ассолом, Ўзбекистон"
13.00 "Урм мазмуни". Б/ф. 1-қисм.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Менинг боғим".
14.35 Миллий сериал: "Фидойилар".
15.05 "Қўрганларимиз ҳақида".
15.30 "Кониет сирин - астероид". Х/ф.
16.00 "Тексиз хабарлар".
16.10 "Қўнғил ободлиги".
16.30 "Ахборот" /инглиз/.
16.40 "Қорачик".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Мен ва У".
17.35 "Иқлим".
17.40 "Соғом келажак".
18.00 "Қўнғил қўшқ истайдн".
18.15 "Доктор Хаус". Т/с.
19.00 "Дўстлик ва бирдамлик мавҳабати".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Сайлов - 2014".
20.15 Миллий сериал: "Ота-синилар".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Сайлов - 2014".
22.10 "Қўнғил қўшқ истайдн".
22.20 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
22.55 - 00.30 "Уш мокароғи". Б/ф.
00.30 Миллий сериал: "Ота-синилар".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 Миллий сериал: "Фидойилар".
2.00 "Соғом келажак".
2.15 Телс Темп: "Кесиллар қўнғилини". 2-қисм.
2.55 "Иқлим".
3.00 "Ассолом, Ўзбекистон"
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Аммажоним - аммажон".
5.10 "Қўнғил ободлиги".
5.30 - 5.55 "Қўрганларимиз ҳақида".




6.00 "Ватан мекри".
6.10 "Тарангум".
7.00 "Мултипанорама".
7.30 "Боллар илҳомн".
7.40 "Шикли наволари".
8.00 "Қанижақ Илаура". Т/с.
8.30 "UzEX".
9.00 "Ҳаёт сабоқлари". Т/с.
10.00 "Давр".
10.10 "Оқсаяқ изкувур". Т/с. 2-фасл.
11.50 "Юрт келажак".
12.10 "Борто Ларчин сирлари". Т/с.
13.00 "Давр".
13.10 "Доктор Қўнғил". Т/с.
14.00 "Ватанпарвар".
14.40 "Соғом оила - соғом бола".
15.00 "Мўжжавий дунё".
- 15.00 Х/ф "В осяле 2. Темная территория"
- 19.00 Х/ф "Турбулентность"
- 21.00 Х/ф "Кобра"
- 22.45 Х/ф "Пьяный рассвет"
- 01.00 Х/ф "Интершпили"
- 03.15 Х/ф "Лекарство"

НТВ

- 05.00 Т/с "Дорожный патруль"
- 07.00, 09.00, 12.00, 15.00 Сегодня
- 07.15 Русское лото плюс
- 07.45 Хорошо там, где мы есть!
- 08.25 Едим дома
- 09.20 Первая передача
- 10.00 Чудо техники
- 10.50 Длинный ответ
- 12.30 Пономев, пономев!
- 13.00, 15.15 Т/с "Морские дьяволы. Смерть"
- 17.00 Чрезвычайное

Душанба

09.00 Панорама дня.
LIVE
10.35 X/ф "Дело Батагами"
12.10 "Эволюция"
13.45 Большой футбол
14.05, 01.35 X/ф "Slove. Прямо в сердце"
15.50, 03.15 "24 кадра"
16.20, 03.45 "Трон"
16.50, 04.10 "Наука на колесах"
17.20 Т/с "Позывной "Стая". Экспедиция
19.20 Т/с "Позывной "Стая". Возвращение в прошлое"
21.20 "Биатлон с Дмитрием Губерниевым"
21.55 Баскетбол. Единая лига ВТБ. ЦСКА - УНИКС (Казань).
Прямая трансляция
23.45 Большой спорт
23.55 Национальная премия в области физической культуры и спорта
00.50 "Полководцы России. От Древней Руси до XX века", Александр Суворов
04.40 "Рейтинг Баженова". Законы природы
05.25 Хоккей. КХЛ. "Сибирь" (Новосибирская область) - "Трактор" (Челябинск)
07.30 Т/с "Тайная стража. Смертельные игры"

Семанба

09.00 Панорама дня.
LIVE
10.35, 02.00 X/ф "Дело Батагами"
12.10 "Эволюция"
13.45 Большой футбол
14.05 X/ф "Звездочет"
17.10 "Основной элемент". Инструмент.
Схватка с материалом
17.40 "Иду на таран"
18.35, 23.45 Большой спорт
18.55 Хоккей. КХЛ. "Металлург" (Магнитогорск) - СКА (Санкт-Петербург). Прямая трансляция
21.15 X/ф "Слуга госуларев"
00.05 "Полководцы России. От Древней Руси до XX века". Федор Ушаков
00.55 "Эволюция"
03.30 Смешанные единоборства
05.10 "Дуэль"
06.10 "Моя рыбалка"

06.35 "Диалоги о рыбалке"
07.00 "Язь против еда"
07.30 Т/с "Тайная стража. Смертельные игры"

Чоршанба

09.00 Панорама дня. LIVE
10.35, 02.00 X/ф "Дело Батагами"
12.10, 00.55 "Эволюция"
13.45 Большой футбол
14.05 X/ф "Звездочет"
17.10 "Основной элемент". Холодное оружие
17.40 X/ф "Слуга госуларев"
20.00 Т/с "Позывной "Стая". Перепорот"
21.50 Т/с "Позывной "Стая". Провокация"
23.45 Большой спорт
00.05 "Полководцы России. От Древней Руси до XX века", Михаил Кутузов
03.30 Профессиональный бокс. Денис Бойцов (Россия) против Джорджа Ариаса (Бразилия). Юрген Бремер (Германия) против Павла Глазевского (Польша). Бой за титул чемпиона мира по версии WBA
05.25 Хоккей. КХЛ. "Северсталь" (Череповец) - "Локомотив" (Ярославль)
07.30 Т/с "Тайная стража. Смертельные игры"

Пайшанба

09.00 Панорама дня. LIVE
10.35, 01.50 X/ф "Дело Батагами"
12.10 "Эволюция"
13.45 Большой футбол
14.05 X/ф "Звездочет"
17.10 "Один в поле воин. Падение 41-го"
18.00 X/ф "Приказано уничтожить! Операция. "Китайская шкатулка"
21.25, 01.00 Большой спорт
21.50 Профессиональный бокс. Федор Чудинов (Россия) против Бена Маккалоха (Австралия). Прямая трансляция
01.20 "Эволюция"
03.25 "Поллигон". Артиллерия Балтики
03.50 "Поллигон". Зубр
04.20 "Рейтинг Баженова". Война миров
04.50 "Рейтинг Баженова". Человек для опытов
05.30 Хоккей. КХЛ. "Металлург" (Магнитогорск) - "Динамо" (Рига)
07.30 Т/с "Тайная стража. Смертельные игры"

Жума

09.00 Панорама дня.
LIVE
10.35 X/ф "Слуга госуларев"
12.55 "Эволюция"
14.25, 17.50, 23.35 Большой спорт
14.50 "Биатлон с Дмитрием Губерниевым"
15.20 Биатлон. Кубок мира. Спринт. Женщины. Прямая трансляция из Австрии
16.50 "Поллигон". Артиллерия Балтики
17.20 "Поллигон". Зубр
18.20 Биатлон. Кубок мира. Спринт. Мужчины. Прямая трансляция из Австрии
19.55 Т/с "Позывной "Стая". Обмен"
21.45 Т/с "Позывной "Стая". Охота на миллиарда"
00.00 Смешанные единоборства. "Битва героев", Александр Волков (Россия) против Роя Боутона (США). Прямая трансляция
02.00 X/ф "Дело Батагами"
03.30 "ЕХперимента". Велухолы
04.30 Фильм "Лига менты" 12+
06.20 Кубок мира по бобслею и скелетону. Трансляция из США
07.00 Профессиональный бокс. Федор Чудинов (Россия) против Бена Маккалоха (Австралия)

Шанба

09.00 Панорама дня.
LIVE
10.10 "Диалоги о рыбалке"
10.40 "В мире животных" с Николаем Дроздовым
11.10 X/ф "Приказано уничтожить! Операция. "Китайская шкатулка"
14.25, 17.20, 02.00 Большой спорт
14.50 Биатлон. Кубок мира. Эстафета. Женщины. Прямая трансляция из Австрии
16.20 "24 кадра"
16.50 "Трон"
17.50 "Биатлон с Дмитрием Губерниевым"
18.20 Биатлон. Кубок мира. Эстафета. Мужчины. Прямая трансляция из Австрии
19.55 X/ф "Сын ворона.

Добыча"
21.45 X/ф "Сын ворона. Жертвоприношение"
23.35 X/ф "Мы из будущего"
02.20 "Дуэль"
03.15 Фигурное катание. Гран-при. Финал.
Трансляция из Испании
06.05 "Человек мира". Гуам
07.00 Кубок мира по бобслею и скелетону. Трансляция из США

Якшанба

08.00 Профессиональный бокс. Матвей Коробов (Россия) против Энди Ли (Ирландия). Бой за титул чемпиона мира по версии WBO; Тимоти Брэдли (США) против Диего Чавеса (Аргентина). Прямая трансляция из США
11.00 Панорама дня. LIVE
12.10 Владимир Меньшов, Сергей Маховиков и Борис Галкин в фильме "Ноль-седьмой" меняет курс"
13.55 "Армия. Естественный отбор"
14.25, 17.55 Большой спорт
14.50 "Биатлон с Дмитрием Губерниевым"
15.20 Биатлон. Кубок мира. Гонка преследования. Женщины. Прямая трансляция из Австрии
16.10 "Танки. Уральский характер"
18.20 Биатлон. Кубок мира. Гонка преследования. Мужчины. Прямая трансляция из Австрии
19.15 X/ф "Сын ворона. Рабство"
21.05 X/ф "Сын ворона. Возвращение"
22.55 X/ф "Мы из будущего 2"
00.55 Биатлон. Кубок мира. Трансляция из Австрии
02.30 Большой футбол
03.15 Профессиональный бокс. Матвей Коробов (Россия) против Энди Ли (Ирландия). Бой за титул чемпиона мира по версии WBO; Тимоти Брэдли (США) против Диего Чавеса (Аргентина)
05.15 Баскетбол. Единая лига ВТБ. "Нимбург" (Чехия) - ЦСКА (Россия)
07.00 "Максимальное приближение". Сардиния
07.30 Т/с "Тайная стража. Смертельные игры"

Парламентаризм билимдони -2014

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида 29 ноябр кўни "Парламентаризм билимдони-2014" онлайн-танлови ғолиби ва совриндорларини тантанали тақдирлаш маросими ўтказилди.



Давлат ва жамият ҳаётида Давлат муҳим аҳамият касб этиб бораётган ахборот технологиялари, хусусан, интернет бугун шунчаки мулоқот воситаси ёки маълумот узатиш тармоғи бўлибгина қолмасдан, балки ҳар бир фуқаронинг ўз конституциявий ҳуқуқларидан тўлақонли фойдаланиши учун ҳам кенг йўл очмоқда. Чунончи, биргина таълим тизими микёсида оладиган бўлсак, масофадан туриб таҳсил олиш, миллий ва жаҳон микёсидаги илмий ресурслардан фойдаланиш, нуфузли грантларга қатнашиш ва бошқа кенг имкониятларни санаб ўтиш мумкин. Ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини ошириш, улар орасида Конституция ғояларини ва ушбу ғоялар асосида қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилишга кўмаклашиш, миллий парламентнинг фаолияти тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот олишни таъминлаш каби мақсадларга хизмат

қилувчи "Парламентаризм билимдони" танловининг анъанавий тус олиши ҳам бевосита мазкур онлайн имконият билан боғлиқ бўлиб, айтиш керакки, йилдан-йилга тадбирнинг нуфузи ва унда қатнашишни истовчилар сони ошиб бораётган.

Бу йилги танлов 1 мартдан 16 ноябрга қадар бўлиб ўтди ва унда мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан 7000дан зиёд 14 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар фаол иштирок этди.

Энг кўп балл тўлаб, мулақат ғолибликка эришган Тошкент Давлат юридик университети 4-босқич талабаси Фурқат Жуманазаровнинг қувончи чексиз. Унга ташкилотчи ва ҳомийлар томонидан махсус диплом билан бирга нобутқў ҳам совға қилинди.

— Ўтган йили бир оз омадим чопмаганим, — дейди Фурқат Жуманазаров. — Хатоларимдан ҳулоса ясадим, ўқидим, изландим, агар

киши астойдил истаса ва шунга яраша ҳаракат қилса мақсадига эришаркан, ўқитувчиларим, тенгдошларим, ота-онам олдида юзим ёруғ бўлганидан бахтиёрман.

Иккинчи ўрин соҳиби онлайн беллашуларда бир хил натижага эришган фарғоналик икки нафар қатнашчи орасидан қўшимча саволлар бериш орқали аниқлаб олинди. Бу саралашда Аббас Отабоевнинг қўли баланд келди. Учинчи ўрин учун диплом эса Алиёр Маҳмудовга насиб этди.

Бундан ташқари, танловда юқори натижаларни қайд этган иштирокчилар ҳам Қонунчилик палатасида ўтказилган тантанали тақдирлаш маросимига таклиф этилиб, уларга дипломлар топширилди, палата фаолияти билан яқиндан таништирилди.

Собит АХАДОВ,
"Xabar" мухбири

Фаровонлик қомуси

Асосий қонунимиз қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан қорхона ва ташкилотларда учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Навоий филиалида бўлиб ўтган тадбирда Навоий Давлат қончилик институти "Иқтисодиёт ва менежмент" кафедраси катта ўқитувчиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Муҳаббат Темирова маъруза қилиб, Конституцияимизнинг инсонпарвар демократик-ҳуқуқий давлат барпо этиш асослари, унинг ҳаётимиз фаровонлигини таъминлашдаги муҳим ўрнини эътироф этди.

— Бугунги сабоқлар биз, ёшлар учун, айниқса, муҳим аҳамият касб этади, — дейди филиал бўлим бошлиғи Махбуба Ҳасанова. — Конституциянинг 37-моддасида "Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир..." дейилган. Биз ҳам ўзимизга муносиб иш шaroитлари яратилганидан, адолатли меҳнат муносабатларидан баҳраманд эканлигимиздан жуда мамнунмиз.

Маруса ҲОСИЛОВА,
"Xabar"нинг Навоий вилоятидаги мухбири

Асосий қонунимизга бағишланди

Конституциямиз қабул қилинган кун юртимизда яшовчи ҳар бир фуқаро учун қувончли байрамлардан бирига айланган. Шунинг учун ҳам улар ҳар йилнинг 8 декабрини дамада шижоат, қалбларда ғурур билан кўтиб оладилар. Бу алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси қорхона ва ташкилотларида ўтказилаётган байрамолди тадбирларда ўз аксини толяпти.

"Ўзбектелеком" АК "Бизнесни ривожлантириш маркази" филиалида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 22 йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбирда ҳам байрамона кайфият ҳукмрон бўлди. Тадбир иштирокчилари Тошкент шаҳар маънавият тарғибот маркази Чилонзор туман бўлими вакили М.Усмоновнинг "Конституция — бахтимиз қомуси" мавзудаги маърузасини бериб тингладилар, маърузадан сўнгги савол-жавобларда фаол иштирок этдилар.

Жорий йилнинг 4 декабр кўни "Телекоммуникация транспорт тармоғи" филиалида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг йигирма икки йиллигига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбатида Тошкент ахборот технологиялари университети катта ўқитувчиси Бобомурод Бобоёров иштирок этди ва Конституцияимизнинг яратилиши, унда ўз аксини топган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, ёшлар учун белгиланган кафолатлар, таълим олиш ҳуқуқи, шунингдек, қомусимизда белгилаб қўйилган инсон шаъни, қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқлари каби қадриятлар ҳақида маъруза қилди.

Тадбир давомида иштирокчилар ҳар бир инсон, айниқса, улғайиб келаётган ёшларимиз Конституцияимизни чуқур ўрганишлари, мазмун-моҳиятини англаб етишлари, сиёсий билимларини ошириб боришлари зарурлигини тўлиқ англаб етдилар.

Ўз мухбиримиз

Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, XI боб. 47-модда.



"Матбуот тарқатувчи" АКда ўтказилган тадбирлардан лавҳалар.

Бахтимиз пойдевори

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси барча қорхона ва ташкилотларида бўлгани каби "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компаниясида ҳам ходимлар Конституциямиз қабул қилинган тарихий санани кўтаринки рўҳда кўтиб олишаётган. Байрам олдидан бир қатор тадбирлар ўтказилиб, унда Конституциямиз ҳақида маърузалар ўқилипти, савол-жавоблар ўтказилипти.

Жумладан, "Матбуот" дўконлари сотувчилари ҳамда ижарачи тадбиркорлар иштирокида ўтказилган тадбир "Ҳуқуқингизни биласизми?" мавзуга бағишланиб, унда компания ҳуқуқшуноси Алишер Қосимов тушунтириш ишларини олиб борди, иштирокчиларнинг турли саволларига батафсил жавоб берди.

Асосий қонунимиз қабул қилинган кунга бағишланган яна бир тадбирга компания барча ишчи-хизматчилари тўландилар. Йиғилишни очар экан, компания бош директори Сувон Нажбидинов барчани яқинлашиб келаётган катта байрам — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 22 йиллиги билан қизғин табриклаб, ишларига омад тилади.

"Конституцияимиз — бахтимиз пойдевори" мавзуда маъруза қилган Тошкент ахборот технологиялари университети катта ўқитувчиси Бобомурод Бобоёров Конституцияимизга киритилган ўзгаришлар, шунингдек жорий йилнинг 21 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ҳамда вилоят, туман ва шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловлар, сайловчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида гапирди.

Муборак МИРКАМОЛОВА,
"Xabar" мухбири
М.СОЛИЕВ олган суратлар

Аёлни эъзозлаш шарқона хислат

Конституциямиз қонун олдига ҳаммининг тенглигини таъминлайдиган, ҳар бир инсоннинг ўз фикрини эмин-эркин ифода қилишда, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб этишда, бурч ва масъулиятларини бажаришда бамисоли қалқон бўлиб хизмат қилиши керак.

Миллий қонунчилигимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш, уларга қўшимча имтиёзлар бериш бўйича ҳам ҳуқуқий асослар яратилган. Масалан, Оила кодексига оилавий муносабатларда аёл ва эркекнинг тенг ҳуқуқлилиги, шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқлари тенглиги, ички оилавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши белгиланган. Аҳамиятли жиҳати, мазкур қонун ва талаблар асосида юртимиз хотин-қизларининг жамиятдаги, оиладаги мавқеи ошиб, уларнинг ижтимоий ҳимояси кучайиб борапти.

Яна бошқа бир қатор қонунларда Конституциямиз қоидаларидан келиб чиққан ҳолда, хотин-қизлар ва оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. Хусусан, солиқ ва иқтисодийта оид қонунлар тақомиллашиб бораётгани, солиқлар юқини камайтириш ва бизнес фаолиятига асоссиз аралашувларга чек қўядиган қўллаб-қўйиш қонунларнинг яратилиши мазкур соҳаларда фаолият юритаётган хотин-қиз-

ларга, ўз ишени бошламоқчи бўлган аёлларга қўмаклашиш ва улар бандлигини таъминлаш бўйича кенг имкониятлар яратиб берди.

Юртимизда хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқларини таъминлашда сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришлар муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унга мувофиқ, сиёсий партиялардан депутатликка кўрсатиладиган номзодлар орасида хотин-қизлар 30 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Бу меъёр Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ичида биринчи бўлиб бизнинг юртимизда жорий этилди ва шундан кейин бўлиб ўтган сайловлар натижасида мамлакатимиз парламентида аввалги сайловга нисбатан икки ярим баравар кўп хотин-қиз депутат этиб сайланди. Бу хотин-қизларни сиёсий жараёнларга янада кенгроқ жалб этиш, қонунлар ва қарорлар қабул қилишда уларнинг иштирокини фаоллаштириш учун мустаҳкам замин яратди.

Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларга мос ҳолда, аввало, оналаримиз, опа-сингилларимиз, қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш, иззат-иқромини жойига қўйиш борасида дадил одимлар қўйилди ва қўйилмоқда. Зотан, аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш шарқона хислат, халқимизга хос азалий хусусиятдир.

Н.САЛИМОВА,
Тошкент шаҳри, Юнусовод
тумани 1-Давлат нотариал
идораси нотариуси



ALSKOM жамоаси

Гўзал диёримиз аҳолисини
Бош қомусимиз — Конституция куни
билан табриклайди.



Шўхратинг бундан-да юксалсин, Ватан!

Хизматлар лицензияланган

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ
РЕСПУБЛИКАМИЗ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ
ҚИЛИНГАНЛИГИГА 22 ЙИЛ ТЎЛИШИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН САМИМИЙ ҚУТЛАЙДИ.**



“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК
НАМАНГАН ФИЛИАЛИ
ЖАМОАСИ

Республикаимиз
аҳолисини ҳамда
алоқа соҳаси ходимларини

Бош қонунимизнинг
22 йиллиги билан қутлайди.



Яратиш-яшнатиш йўлида
ҳормай-толмай
меҳнат қилаётган
юртдошларимизнинг
хонадонларига
тинчлик-хотиржамлик,
омонлик, файзу
баракот тилаймиз!



SAYLOV

Менинг биринчи сайловим

“Камолот” ЕИХнинг Тошлоқ тумани кенгаши ташаббуси билан “Менинг биринчи сайловим” мавзусида семинар ўтказилди. Унда олий ўқув юрталари талабалари, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари иштирок этишди.

Семинарда мустақиллик йилларида мамлакатимизда сиёсий ва ҳуқуқий тизим изчил, босқичма-босқич модернизация қилиниши натижасида демократия талабларига жавоб берадиган сайлов тизими яратилгани, шу асосда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқлари амалга ошириладигани тўғрисида маълумот берилди.

— Биз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорги Кенгесига, вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар 21 декабр куни тўғридан-тўғри яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши ҳақида батафсил маълумот олдик, — дейди ТАТУнинг Фарғона филиали 1-босқич талабаси Аҳроржон Саидқабаров. — Мен сайловда иштирок этиш ҳуқуқи аини чоғда катта масъулият эканини ҳам англадим. 2014 йил менинг ҳаётимда унутилмас муҳим воқеалар йили бўлиб қолмоқда. Биринчидан, бу йил мен илк бор сайловда иштирок этаман. Жорий йилда ТАТУ Фарғона филиали талабалигига ўқишга қабул қилиндим.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Ҳозирлик

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва туман, шаҳар, вилоят кенгашларига бўладиган сайловлар муносабати билан СЎХ туманидаги 25та округ сайлов участкаларида қизғин тайёргарлик ишлари олиб бориляпти.

“Ўзбектелеком” АҚ Фарғона филиалининг Абдуқудус Шеров раҳбарлик қилаётган Сўх телекоммуникациялар боғламаси меҳнат жамоасидагилар ҳам демократия кўзгуси ҳисобланган сайловнинг кўтаринки кайфияти билан ўтишига аризулиқ ҳисса қўшаётир. Жумладан, округ сайлов участкалари алоқа воситалари билан тўлиқ таъминланиб, уларнинг бе-нуқсон ишлаб туриши боғлама алоқачилари томонидан назорат остига олинган.

Тоголди туманида муҳим сиёсий жараёнга тайёргарлик ишлари кўнгилдагидек йўлга қўйилган.

Асқарбек АНБАРЖОНОВ



Артур ТЕМИРОВ



Беймамат ЭРЖОНОВ



Ойбек АЛИЕВ



Темурбек ҚУТЛИБОЕВ

Иқтидор қирралари

Ёшларимиз орасида истеъоддиллари, касбининг усталари кўп. Бугун сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган тўрт нафар қаҳрамонимиз ҳам шулар сирасига киради.

Техникага қизиқиши кучли бўлган хонқалик Беймамат Эржонов 2011 йили ТАТУ Урганч филиали ахборот технологиялари факултетида ўқишга кирди. Таълим жараёнида Беймамат истеъоддини кўрсатди. Унинг ҳозирда иш тизимини автоматлаштирилган дастурий таъминоти, En-Uz лугат — Андроид телефонлар учун инглизча-ўзбекча лугат, деканат тизими-талабалар маълумотлар базаси, ёш болалар учун ўйинлар, Puzzle-15 ва 1, расмларнинг ўрнини тўғрилаш, Memory game — хотирани оширувчи ўйин, Study English — инглиз тилини ўргатиш каби дастурлари ишга туширилган ва улардан фойдаланиб келинмоқда.

У 2014 йилда ОТМ ўртасида ўтказилган “Тафаккур синовлари” кўрик-танловининг вилоят босқичида иштирок этиб, 2-ўринни эгаллаган. Бундан ташқари, “Юрт истиқболи-2014” республика кўрик-танловининг шаҳар босқичида 1-ўринни эгаллаб, вилоят босқичида 2-даражали диплом билан тақдирланди ва республика босқичига йўлланмани қўлга киритиб, унда ҳам фахрли ўринларни эгаллади. Республика китоблар байрамида яратган дастурлари билан фаол қатнашиб, фахрий ёрлик билан тақдирланди.

Б.Эржоновнинг “Янги нигоҳ” видеороликлар танловида қатнашуви, айниқса, самарали бўлди. У танловда ўзи ишлаган Хива ҳамда Урганч шаҳарларининг янги кўриниши ҳақидаги роликлари билан қатнашиб, шаҳар ва вилоят босқичида юқори ўринларни эгаллади. Кейин ушбу танловнинг республика босқичида ҳам қатнашди.

— 2014-2015 ўқув йили бўйича Study English — инглиз тилини ўргатувчи дастур лойиҳамни намойиш этдим ва Урганч шаҳар ҳокими стипендияси совриндори бўлдим, — дейди Б.Эржонов. — Бу лойиҳам аини пайтда вилоятдаги хусусий 8-канал телестудияси билан ҳамкорликда кўрсатувларни эфирга узатишда фойдаланиш учун режалаштириляпти. Шунингдек, бу лойиҳамни Хоразм вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда ўқув масканларига жойлаштирмоқчиман. Дастурлаш тилларидан Delphi, Java, C++, Java Android, маълумотлар базаларидан FireBird, MySQL, SQLite, ORACLEларда ишлайман. Бирдан-бир орзум билимимни янада ошириб, Ўзбекистонда дастурий таъминот бозорини янада ривожлантиришга ҳисса қўшишдир.

Филиалнинг компютер инжини-

ринг факултети битирувчиси Темурбек Қутлибоевнинг истеъод қирраларини кўриб, кишининг бағридили яйрайди, ота-онасига раҳмат дейсиз. Асли шовотлик Темурбек тумандаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатни аъло баҳоларга тугатиб, Шовотқалъа маиший хизмат касб-ҳунар коллежиде таҳсил олган. У таълим олиш жараёнида коллежда бўлиб ўтадиган барча тадбирларда фаол қатнашган. Жамоаси билан дастурлаш бўйича жаҳон олимпиадаларида мунтазам қатнашиб, чорак ва ярим финал босқичларида бир неча бор юқори ўринларни эгаллади.

— 6-7 ноябр кунлари пойтахтда ўтказилган дастурлаш бўйича жаҳон чемпионатининг ярим финалига чиқдим, — дейди ҳаяжон билан Темурбек. — Ҳар гал олимпиадаларда қатнашганимда мени қаттиқ ҳаяжон босади. Устозларим ишончини оқлай олармиканман, деган савол менга тинчлик бермайди-да, шунинг учун бўлса керак ўзимдаги ҳис-ҳаяжонни яшира олмаيمان.

Жорий йилнинг май ойида информатика ва ахборот технологиялари республика фан олимпиадасида 3-ўринни эгаллаган. Спортнинг футбол ва шахмат турларига жуда қизиқади. Бўш вақтларини бадиий китоблар мутолааси билан ўтказди.

Навбатдаги қаҳрамонимиз Ойбек Алиев — филиал магистранти. У 2012 йил ахборот сервис йўналиши бўйича бакалаврликни тугатган. Талабалик даврида қобилияти, зеҳни билан барчага ўрнак бўлган. Унинг “Эзгу ишлар бардавом”, “Ўргимчак тўри”-дан огоҳ бўлинг!”, “MATLAB тизимида фойдаланувчи интерфейсни ҳосил қилиш”, “Ўқув жараёнини автоматлаштириш долзарб масалалар ва муаммолар” каби кўплаб мақолалари чоп этилган ҳамда илмий соҳадаги иқтидори туфайли филиални имтиёзли диплом билан битирган. Интилганга толе ёр деганларидек, у изланишда, ўганишда давом этди. Интилишлари орқали “Онкогинекологик беморларни ҳисобга олиш ва улар ҳақидаги статистик маълумотларни шакллантириш” дастурий таъминотини ишлаб чиқди.

Ойбек 2013 йилда ТАТУ Урганч филиалининг магистратура босқичига қабул қилинди. Илм олиш жараёнида “Эзулик ниқобидаги ёвузликлар: болаларимиз бу иллатларни қимлардан ўрганмоқда?” номли мақоласи чоп этилди. Бундан ташқари, магистрант Б.Нурметова ҳамда УрДУ ассистент ўқитувчиси С.Содиқов билан биргаликда “Олий математика

фанидаги “матрицалар” ҳамда дастурлаш асослари фанидаги “массивлар” мавзусини интеграллашган дарс тарзида ташкил қилиш методикаси” ҳамда Қорақалпоғистон Давлат университетиде Ф.Юсупов илмий раҳбарлиги остида “Автоматизация проектирования процесса математического моделирования комплекса задач текущего планирования производства первичной переработки хлопка-сырца” номли тезиси чоп этилди. Ҳозирда Ойбек Алиев Ф.Юсупов раҳбарлиги остида “Пахта хом ашёсига бирламчи ишлов беришнинг ноаниқлик ҳолатида технологик жараёнларни бошқариш” мавзусида магистрлик диссертацияси бўйича илмий иш олиб бормоқда.

Артур Темиров болалигидан математика, информатика, география, тарих ҳамда чет тилларига жуда қизиққан ва шу йўналишлар бўйича мактабда ўтказилган олимпиадаларда фаол қатнашган. Мактабни ҳам аъло баҳоларга тугатиб, Урганч шаҳар Нефтегаз коллежиде таҳсил олган ва 2011 йил ТАТУ Урганч филиали “Информатика ва ахборот технологияси” мутахассислиги йўналишига ўқишга кирган. Иқтидорли талаба эканини устозларига таълим олиш жараёнида намён этган Артур ҳозирда илмий раҳбари Т.Худойберганов билан биргаликда “Uz Vacancy Hunter”, “Uz-IRS-A”, “Document binder” ва бошқа лойиҳалар устида иш олиб бораляпти.

Артур 2013 йил “Юрт келажаги” республика кўрик-танловининг “Дастурлаш” номинациясида дастурлари билан иштирок этиб, голибликни қўлга киритди.

— Ҳозирда замонавий қўл телефонлари тизимида яратилаётган Android дастурлаш мутахассислиги бўйича иш ўрганишман, — дейди Артур Темиров. — Мутахассислигим ўзимга жуда ёқади. Спортнинг бокс тури билан шуғулланаман. Вақтимни бекор ўтказишни хоҳламайман. Мақсадим келажакда юрт корига ярайдиган инсон бўлиб етишиш.

Ўртимизда ёшлар учун яратилаётган имкониятларнинг чеки йўқ. 2014 йилнинг Президентимиз томонидан Соғлом бола йили деб номланиши ҳам бежизга эмас. Буларнинг негизиде келажагимиз ворисларини илмли, зеҳли, Ватанимизга садоқатли ва меҳрли қилиб тарбиялашдек масъулиятли вазифа турибди.

Нилуфар ЖАББОРОВА,
“Xabar”нинг Хоразм вилоятидаги мухбири

Ахборот

Таълим тармоғи

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ziyonet ахборот портали билан ҳамкорликда ТАТУ Қарши филиалида "Таълим жараёнида Ziyonet ахборот таълим тармоғининг ўрни ва аҳамияти" мавзусида ўқув семинари ташкил этилди.

Ziyonet ахборот портали бўлим бошлиғи Олимжон Бахтиев ҳамда етакчи мутахассис Бекзод Остоновлар портал имкониятлари ҳақида маълумот беришди. Хусусан, фойдаланувчилар учун zn.uz доменида сайт-сателлитлар, гуруҳлар яратиш, гуруҳларда мавзулар очиш, гуруҳларга қатнашчиларни таклиф қилиш ва фойдаланувчилар таклиф этган бошқа мавзуларда иштирок этиш, "Саволлар ва жавоблар" бўлимида ва турли танловларда қатнашиш каби кўплаб имкониятлар мавжуд.

Филиал ахборот-ресурс марказида интернет тармоғининг доимий ишлаб туриши ҳам фойдаланувчиларга керакли маълумотларни тезкор олишларида катта ёрдам бераётганлиги семинарда таъкидлаб ўтилди. Бундан ташқари, талабалар тураржойидаги компьютерлар базасида электрон адабиётлар жойлаштирилганлиги, китобхонлар талабига асосан керакли адабиётлар билан янада бойитиш имкониятлари мавжудлиги айтилди.

Семинар иштирокчилари Ziyonet таълим ахборот тармоғини такомиллаштириш юзасидан ўз таклифларини билдирди. Тадбир якунида бу каби тақдимотларни доимий равишда амалга ошириш ҳақида келишиб олинди.

И.АФТОНДИЛОВ

Яқунлар муҳокамаси

"Ўзбектелеком Интернешнл" ҚК "ЎЗИ-Жиззах" филиалида 2014 йил 9 ой яқунларига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

Тадбирда қўшма корхона ва барча филиаллар раҳбарлари ва мутахассислари қатнашди. Ўтган даврда қўшма корхона ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари, телекоммуникация тармоқларида кўрсатилган хизматлар сифати ва ҳажми, бизнес режанинг бажарилиши, ижро интизоми ҳамда бошқа масалалар йиғилиш кун тартибидан ўрин олди. Қўшма корхона бош директори Г.Ли, техник директори А.Файбуллаевлар сўзга чиқиб, ўтган 9 ой давомида амалга оширилган ишлар ва ютуқлар, келгуси вазифалар тўғрисида маълумот беришди.

Нодира МИРЗАҚОБИЛОВА,
"ЎЗИ-Жиззах" филиали ички назорат мутахассиси

Китоб —
маънавият мактаби

Ёшларни турли ахборот хуружларидан сақлаш, уларнинг тарбиясини янада кучайтириш, китобхонликни оммалаштириш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш улар онгида бузғунчи ғоя ва оқимларга қарши мустаҳкам мафкуравий иммунитетни кучайтиришда жамоатчилик билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш мақсадида Навоий вилоятида китоб ойлиги бўлиб ўтди. Бу тадбирлар вилоятнинг барча шаҳар ва туман ўқув масканларида ташкил этилди.

Жумладан, Навоий маданият ва санъат коллежиди, шаҳардаги 10 ҳамда 15-умумтаълим мактабларида "Китоб — маънавият мактаби" шиори остида бўлиб ўтган тадбирда Навоий шаҳар маънавият-тарғибот бўлими раҳбари Р.Наврўзов китобга муҳаббат, уни қадрлаш, ўқишга иштиёқ ёшларни шахс сифатида камол топтиришда беқиёс эканлигини баён қилди.

Маданият ва санъат коллежи маънавий-маърифий ишлар бўйича раҳбари Ф.Ҳикматова "Одамзод яратган мўъжизаларнинг энг буюғи китобдир. Чунки, инсоният яратган, қайта-қайта ўйлаб кўрган ва у эришган нарсаларнинг бари худди сеҳрли сандиқдай китоблар саҳифаларида сақланиб қолган. Китоб инсоният ижодининг чинакам ҳайратланарли ва эътиборга лойиқ белгисидир. Китобда ўтган замонларнинг ақлидрок яшайди", — дея ёшларни китоб ўқишга ва китобни қадрлашга даъват этди.

Тадбирларда иштирок этган коллеж ва мактаб ўқувчилари китобни улғувчи шешрлар, ҳикматли сўзлар, мақоллардан намуналар ўқиб беришди.

Жамила БОБОМУРОВА,
Навоий вилояти АКМ илмий-услубият бўлими мудир

10 декабр — Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси қабул қилинган кун

Юрт мадҳи

Ўзгал ва бетакрор юртимизни мадҳ этувчи қўшиқлар кўп. Уларни берилиб, ҳаяжон билан тинглаймиз. Лекин, эшитганда қалбларда ғурур ва ифтихор пайдо қиладиган, юксаклик сари чорлайдиган шундай бир қўшиқ борки, унинг ўрни юқори, қадри бебаҳо. Бу — Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясидир.

Мана, йигирма уч йилдирки, мустақил мамлакатимизнинг ўз мадҳияси баралла янграпти. Қулоқларга хуш ёқувчи бу оҳанг юраклардан чиқиб, юракларга кириб борапти. Қанча байрам тантаналар, зафарларимизда садо бериб, шодиёналар шуқудини оширипти, халқимиз руҳини кўтаряпти.

Табриклаймиз!

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси Марғилон ШТБ ходими

Маҳаммадорип МАДРАҲИМОВни 55 ёши билан самимий табриклайди.

Унга соғ-саломатлик, узоқ умр, фарзандлар бахти-иқболлини кўришни тилайди.

— Нуфузли мусобақаларда иштирок этиш учун кўплаб хорижий давлатларда бўлганман, — дейди анъанавий каратэ бўйича спорт устаси Баҳодир Бобоев. — Ҳар гал голиб спортчиларимиз шарафига юртимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янграганида кўзларимга ёш куйилиб келади, кўксим ғурурдан тоғ каби кўтарилади. Яқинда Албания мамлакатиди бўлиб, каратэ бўйича жаҳон чемпионатида қатнашдик. Мусобақада иштирок этган олти нафар ёш спортчимизнинг ҳаммаси биринчи ўринни эгаллашди. Улар шарафига байроғимиз қайта-қайта баланд кўтарилиб, мадҳиямиз янграганида иштирокчиларнинг ҳаммаси ҳурмат ва эътибор билан, жим тинглашди. Шунда Ўзбекистондай ажойиб юрт фарзанди эканлигим билан яна бир бор фахрландим.

Дарҳақиқат, мадҳиямиз бизнинг ғуруримиз, фахримиз. Уни ардоқламоқ ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Давлатимиз мадҳияси ҳамisha янграйверсин!

М.ИДРИСҲЎЖАЕВА

ОИТСга қарши кураш —
ҳар биримизнинг бурчимиз

2012 йил декабр ойида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида 2013-2017 йилларда ОИВ инфекциясига қарши кураш бўйича Стратегик дастур" асосида тузилган махсус режага биноан Фарғона вилоятида қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

"Ўзбектелеком" АК ҳамда "Ўзбекистон почтаси" АЖ Фарғона филиаллари жамоаларида ҳам вилоят ҳокимлиги режасида белгиланган тадбирлар ижросига жиддий эътибор билан қаралмоқда. Яқинда 1 декабр — Жаҳон ОИТСга қарши кураш кун муносабати билан "Ўзбекистон почтаси" АЖ Фарғона филиали мажлислар залида ташкил этилган маънавий-маърифий тадбир ҳам шу мавзуга бағишланди. Унда почта ҳамда телекоммуникация соҳалари ишчи-ҳодимлари қатнашди.

Тадбирда ОИТСга қарши кураш маркази мутахассиси Улуғбек Расуловнинг маърузаси тинланди.

Мутахассис маърузасида ОИВни юктириб олган беморларнинг аноним даволашнилари учун вилоятда барча шарт-шароитлар яратиб қўйилганлиги, ОИВ инфекциясини юктириб олганларнинг ҳуқуқлари соғлом одамлар билан бир хиллиги, уларни камситиш, яққалатиб қўйиш қонунан ман этилганлиги масаласига алоҳида тўхталди. Бу касалликка бепарволик қандай фожиаларга олиб келаётганлиги ҳақида кўплаб мисоллар келтирди.

С.ҲАФИЗОВА

Инсон умид
билан яшайди

Навоий вилоят АКМда 1 декабр — Жаҳон ОИТСга қарши кураш кун муносабати билан "Оғоҳлик бахти — ҳаёт омили" мавзусида ахборот кунини ўтказилади.

Вилоят ОИТС маркази шифокори Юлдуз Раҳимова ОИВ инфекцияси ҳақида маъруза қилиб, вилоятда ОИТСга қарши кураш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлади. АКМ томонидан тадбир қатнашчиларига варақалар тарқатилди ва "Инсон умид билан яшайди" мавзусидаги видеоролик намойиш этилди.

Тадбирда "Иллат келтирган қулфат" мавзусидаги китоб кўргазмаси ташкил этилди.

М.ИМОМОВА,
АКМ ахборот-библиография бўлими мудир

Иллатга қаршимиз
Сирдарё вилоят АКМда Жаҳон
ОИТСга қарши кураш кун муносабати билан давра сўхбати бўлиб ўтди.

Вилоят ОИТСга қарши кураш маркази "Ишончхона" шифокори ПАбдураҳмонов ва ахборот-кутубхона маркази етакчи кутубхоначиси Х.Рисқулова маърузаларида ОИТС ва гиёҳвандлик каби иллатларнинг тарқалиш хавфи ва ундан эҳтиёт бўлиш ҳақида сўз борди.

Х.РИСҚУЛОВА



Отам, онам ва мен — соғлом оила қурамыз!

Худди шу шпор остида Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги ташкилотлар ғолиб жамоалари ўртасида спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ва Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги мазкур тadbир ташкилотчилари бўлди.

Мамакатимиз истиқлолга эришган йилларданоқ соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласига энг устувор вазифалардан бири сифатида ёндашилиб, амалий чора-тадбирлар бугун ўз мевасини бермоқда. Мантиқан ҳамоҳанг йиллар ва уларнинг негизида қабул қилинган дастурларда ҳам келажагимиз бунёдкорлари айнан соғлом, маънан етук ва мукамал шакланган оилалардан етишиб чиқишига катта уруғ берилган.

Хусусан, жорий "Соғлом бола йили Давлат дастури"да ҳам болалар туғилиши, таълим тарбияси, оилада соғлом муҳитни таъминлаш, унинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳа ривожига ажратилган маблағлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ барча масалалар ўз аксини топди. Албатта, буйўсиндаги фаолиятда касаба уюшмалари алоҳида ўринга эга.

Соҳа корхона ва ташкилотларида касаба уюшмалари ҳамкорлигида ходимлар, хусусан, хотин-қизлар, алоқачиларнинг фарзандлари, меҳнат фахрийларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофазалаш, рағбат-

лантириш борасида, шунингдек, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган турли маданий ва спорт тadbирлари ўтказиб келиняпти. Соғлом бола йили доирасида юқоридagi шпор остида қатор ташкилотларда бўлиб ўтган мусобақаларда кўплаб спортчи оилалар қатнашди. Жумладан, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги ташкилотлар миқёсидаги мусобақаларда етакчи ўринларни эгаллаган етти жамоа 27 ноябр кунини кечган мусобақаларда нафақат спортга бўлган қизиқишини намоён этди, балки уларнинг интеллектуал салоҳияти, удлабуронлиги, аҳиллиги, ҳамжихатлиги синондан ўтди.

Мусобақалар якунида энг яхши натижага эришган "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи вакиллари — Азимовлар оиласи биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринларга эса Дўсमतовлар ва Қодиржоновлар оилалари сазовор бўлишди.

Ғолиб ва совриндорларга ҳамда турли номинацияларда ғолиб чиққан жамоаларга диплом ва совғалар топширилди.

Ўз мухбиримиз

Мини футбол: ғолиблар аниқланди

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Фарғона филиалида "Соғлом бола йили Давлат дастури" ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишлаб қатор тadbирлар амалга оширилади.

Вилоятдаги барча шаҳар ва туманлар почта алоқаси тармоқлари спорт жамоалари мини футбол мусобақаларига пухта тайёргарлик кўрдилар. Қўқон ҳудуди шаҳар, туманлари мини футболчилари куч синашганда эса фарғоналиклар ва тошлоқликларнинг кўли баланд келди.

Ярим финал учрашувлари Фарғона шаҳридаги "Афросиёб" уйингоҳида ғоят қизгин руҳдаги баҳслар билан кечди. Фарғоналиклар бағдоликлар устидан, тошлоқликлар эса бешариқликлар устидан ғалаба қозонди. Финал уйинида фарғоналиклар тошлоқлик рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмай ғолибликни кўлга киритишди.

Ғолибларга қимматбаҳо совғаларни филиал касаба уюшма қўмитаси раиси Алижон Иброҳимов топширди. Ғолиб жамоаларнинг барча аъзоларига спорт кийимлари тақдим этилди.

Хафиза САЛҲОВА,

"Хабар"нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси "Гуманитар фанлар" кафедраси катта ўқитувчиси Дилором Зиёевага онаси **ТУРСУНОЙ ОПА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси АКТ соҳасида Касбий таълим факультети декани Феруза Зокировага онаси **Сания ХАЛИУЛЛИНА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихдор этади.

"ALSKOM" АЖ сугурта компанияси жамоаси компаниянинг "Марказий" филиали директори Евгений Кимга онаси **Наталья КИМ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

E'OLON

ООО "САМИНТЕХКОМ" ОКАЗЫВАЕТ СЛЕДУЮЩИЕ УСЛУГИ:

■ Установка автомобильного газобаллонного оборудования европейского качества IV поколения (EPICA, CAPTIVA, LACETTI, COBALT, NEXIA II, ISUZU всех модификаций).

■ Техническое обслуживание и выдача свидетельств для регистрации в ДПС.

Оплата по перечислению и пластиковой карточкой.

Только у нас самые низкие цены. Экономьте свои деньги.

г.Самаканд.

Тел: +99893 333-04-26; +99893 333-04-35.

Свидетельство №04558

Тошкент ахборот технологиялари университети ахборот-ресурс маркази ходими Умида ТУРДИЕВАга 2002 йил 25 апрелда берилган ГТ/5075592 рақамли меҳнат дафтарчаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.



YONG'IN XAVFSIZLIGI OYLIGI

Огоҳ ва ҳушёр бўлайлик!

Маълумки, ёнғин билан боғлиқ нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида жорий йилнинг 20 ноябрдан 20 декабрга қадар мамлакатимизда "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" ўтказилмоқда.

"Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК томонидан ҳам мазкур ойлик доирасида комплекс чора-тадбирлар амалга ошириляпти.

Жумладан, Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати билан ҳамкорликда ишлар ташкиллаштирилиб, 24 ноябр кунини корхонада тadbир ўтказилди. Унда ишчи-хизматчиларга ёнғин ўчириш техникаси ва содир бўлган ёнғинлар бўйича видеороликлар намойиш этилиб, бирламчи ёнғин ўчириш воситалари турлари, улардан қандай фойдаланиш ҳамда ёнғин ва фавқулодда ҳодисалар содир бўлганда ҳаракатланиш тартиби ва вазифалари тушунтирилди.

Давлат ёнғин назорати ходимлари ҳамкорлигида ёнғинга қарши ички ва ташқи сув таъминоти, иситиш ҳамда электр тизими, ёнғиндан хабарловчи ва ёнғин ўчирувчи автоматик ускуналар, бирламчи ёнғин ўчириш воситалари техник кўрикдан ўтказилиб, ишчи ҳолати назоратга олинди, бино ва хоналарга панно ҳамда шпорлар ўрнатилди. Бундан ташқари, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тарғиб етувчи эслатма ва плакатлар ишлаб чиқилиб, тегишли жойларга етказилди.

Ф.АБДУМАВЛОНОВ,
"РРТМ" ДУК техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси хизмати бошлиги
Д.ЎРМОНОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ ТОЎХТБ катта муҳандиси, майор

Болаларни асранг!

Олов — тилсиз ёв. Бир озгина бепарво қолдингизми, у сизга қарши ҳужумга ўтади, умр бўйи йиғиб-терган, пешона тери билан тўплаган мол-мўлкингиз, уй-жойингиз, ҳаттоки ҳаётингизга ҳам хавф солади. Шундай экан, бу ёвга қарши ҳамкорликда ва ақл билан кураш олиб бориш зарур

Ёнғинга қарши кураш, аввало, тарғибот тушунтириш ишлари орқали оилада, мактабгача тарбия муассасаларида бошланмоғи лозим. Зотан, болаларнинг каттаган назоратдан четда қолиб, олов билан ўйнашлари оқибатида келиб чиқаётган ёнғинлар таҳлили шуни кўрсатапти.

Бола онгида ёнғин келтириб чиқарувчи омиллар, унинг оқибатлари ҳақида тасаввурни жуда эрта уйғотиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, киши ўзига ҳали бола пайтида ўргатилган билимлар ва кўрсатилган кўникмаларни умрбод унутмайди. Бу билим ва кўникмалар уни ҳар доим ҳушёрликка ундайди. Шу мақсадда болалар боғчаларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига бағишлаб ўтказилаётган суҳбатлар ўз вақтида самарасини бериши шубҳасиз. Ана шундай тadbирлардан бири яқинда Чилонзор туманидаги 309-болалар боғчасида бўлиб ўтди. ЁХБ ходимлари иштирокида ёнғин, унинг оқибатлари ҳақида ўтказилган учрашув уларда катта таассурот қолдирди. Бундай учрашувларда ёнғинга қарши турли тарғибот материаллари, кўргазмалар, кўроллар, ёнғинларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлилларидан фойдаланиш кўнгилли самара беришга ишончимиз қомил.

М.АЗИМОВ,
Чилонзор ТИИБ ЁХБ кичик сержанти



“Ўзбектелеком”

акциядорлик компанияси

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ БОШ ҚОМУСИМИЗ — КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 22 ЙИЛЛИГИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ.

ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ҲАЁТИМИЗ ФАРОВОН,
ОСМОНИМИЗ МУСАФФО БЎЛСИН!



Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақами билан 2013 йил
23 июлда рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Махсум МАҲМУДОВ,
Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Рустам ҚОСИМОВ,
Сувоп НАЖИДИНОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир уринбосари),
Лутфилю ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar” дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўричилиги тахририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Газета
ҳафтанинг
жума куни
чиқади

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Мавзил: Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

Г-1265 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қозғоқ битими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 10128 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор шоҳкўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер
базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Аслиддин БҮРИЕВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят
муҳбирлари:

Андижонда
226-47-80

Бухорода
715-87-21

Гулистонда
240-00-46

Жиззахда
(94) 199-95-64

Навоийда
225-91-10

Нукусда
554-35-45

Самарқандда
230-64-80

Термида
(91)235-88-68

Тошкентда
288-40-66

Урганчда
(90) 713-21-40

Фарғонада
244-18-05

Қаршида
(93)931-08-99